



Амал билан кўлга киради кадр
Куръон «кимматингиз такводадир» дер
Фурсатда баробар аёл билан эр
Сураси Куръонда муслима аёл

Хадича, Фотима, Ойша Сумайя
Нусайба, Робия, неча валийя
Бокира Марям хам шонли Осиё
Илм ва ирфонда муслима аёл

Инсон бир бутундир, аёл ёриси
Удир оиланинг она араси
Аёлу эркакнинг хар бир ютуги
Каттик имтихонда муслима аёл

Оила таълими аёлсиз бўлмас
Аёл ўрни асло эркакла тўлмас
Эркак аёлини сурувга солмас
Уйида чўпондир, муслима аёл

Меъросни оз олар, фойдали чикар
Ўранур, викорла олдинга бокар
Аёл очилса гар, кўп жонни ёкар
Севги-шафкат унда муслима аёл

Яратувчи икки жинсга хам хослик
Берди - бутунланди тенгсиз гўзаллик
Бузилмасин Раббим, бу нозик тенглик
Ўзинг уйгок бўлгин, муслима аёл.

Итоатнинг номи Исломда амал
Динимизда будир иккинчи тамал
Кул учун ибодат энг юксак аъмол
Амал ва имонда муслима аёл

Аёлга ишлагил, хур бўл, дедилар.

Хаккинг олмокликка бир йўл дедилар
Очилсин вужудинг, бош-кўл дедилар
Бунда такво килар, муслима аёл

Бизнинг аёлимиз амалда доим
Хак учун халкига хизматда коим
Ачёрга карши терс, ёрга мулойим
Ўрнадир жахонга муслима аёл.

Кахрамон Хайриддин «Исломда Аёл ва оила» 485-487-бетлар